O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# «Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 7-iyul • Shanba • 80 (27.725) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



## ЯНА БИР ЯНГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

### БАРПО ЭТИЛАЁТГАНИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ, ВАТАНИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТАЁТГАНИГА ЁРҚИН МИСОЛДИР

1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси йўлида қилинаётган ишлар кўлами таҳлил қилинса, тарихий воқеалар, беқиёс бунёдкорликлардан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Дастурга кўра, 1999-2000 йилларда 187 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ҳамда 110 та шундай муассасани таъмирлаш ишлари авж олиб кетди. 2000-2007 йиллар оралиғида бу жараён яна ҳам жадал тус олиб, ҳар бир туман, ҳар бир шаҳарда энг замонавий талабларга жавоб берадиган коллеж ва лицейлар сони тобора орта борди. Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей, 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежлари қуриб фойдаланишга топширилди. 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдорида ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди... Зеро, Юртбошимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, «фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат» эканлиги ўз исботини топди.

Айни шу фазилатнинг яна бир ёрқин мисолини бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Информатика институтига қарашли Компьютер технологиялари академик лицейи қурилишида кўриш мумкин. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг қатор бўлинмалари ҳомийлик қилаётган мазкур таълим иншооти тикланишига «Жанубгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бош пудратчи.

Лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра, у 450 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, замонавий ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона ва спорт зали мажмуаларига эга. Ҳозир 218 нафар қурувчи, монтажчи, пайвандчи ва пардозловчилардан иборат бунёдкорлар жамоаси иншоотни мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш учун икки сменада иш олиб бормоқдалар.

**Замон АЛИ**

**Суратларда:** *прораб Тоҳир Юсупов, бригада бошлиғи Сайфи Худдиев, прораб Йўлдош Қаландаров бажарилаётган юмушларни лойиҳа билан солиштириб кўришаяпти; қурилиш участкаси бошлиғи Азимбой Матчонов, таъминотчи Рустам Юсупов ва бош энергетик Бахтиёр Султонов иш сифатини кўздан кечирмоқдалар; электрпайвандчи Неъмат Очилов; илғор кранчи Хайрулла Ибодов.*



Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

## АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Ислом Тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али бошчилигидаги Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифи хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда ва шарҳланмоқда.

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ҳақида хабар берар экан, Кувайтнинг «КУНА» ахборот агентлиги етакчи ислом жамғармаларининг экспертлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларда эришган муваффақиятларини юқори баҳолашганини таъкидлайди. Уларнинг баҳо беришларича, республикадаги мавжуд қулай сармоявий муҳит, шунингдек, чет эл капиталини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган қонуний ҳужжатлар Ўзбекистон ва араб молия институтлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга мустаҳкам асос яратади.

Шунингдек, «КУНА» тарқатган хабарда Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг «давра суҳбати» иштирокчилари Ўзбекистон билан кооперацияни кенгайтиришдан манфаатдорлик билдиришлари баробарида республикада истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш юзасидан молиявий кўмаклашишга тайёр эканини баён этишгани таъкидланади.

Британиядаги «Би-Би-Си мониторинг»нинг хабар беришича, бўлиб ўтган учрашув чоғида Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган ислоҳотлар боришини тўла қўллаб-қувватлашини баён этдилар.

Бизнес анжуман чоғида қўшма ҳамкорликнинг бундан кейинги йўналишлари ҳамда ижроси Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг юқори суръатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга имкон берадиган устувор лойиҳалар белгилаб олинди, дейди «Би-Би-Си мониторинг».

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг аъзолари олдинда турган йилларда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига кўмаклашибгина қолмасдан, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ва изчил ривожланишида муҳим аҳамият касб этишига комил ишонч билдиришди, деб таъкидлайди «Би-Би-Си мониторинг».

Яна бир араб нашри — Саудия Арабистони подшоҳлигининг ишбилармон доиралари газетаси «Аль-Иқтисодия» мазкур ташриф давомида Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт жабҳасидаги муваффақиятлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришларнинг борариши билан танишганларини ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

«Аль-Иқтисодия»нинг таъкидлашича, Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлар якунлари бўйича Ўзбекистон ҳукумати билан ислом молия институтлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум, шунингдек, Ўзбекистон банклари билан 3 та битим имзоланди. Унга мувофиқ, Ислом Тараққиёт банки саноат, қишлоқ хўжалигидаги хусусий тадбиркорлик соҳаларида сармоявий лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий ҳажми 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиясини очгани қаламга олинган.

Ўз навбатида, Россиянинг «Интерфакс» агентлиги Ўзбекистон 2010 йилга қадар 26 та сармоявий лойиҳани рўёбга чиқариш учун араб молия институтларининг умумий ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошадиган сармояларини жалб этишни режалаштираётгани, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг «давра суҳбати» йиғилишида ушбу лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтганини хабар беради.

Шу жумладан, кимё саноатини модернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш учун 384,1 миллион АҚШ доллари, қишлоқ хўжалигида ирригация тизимларини реконструкциялаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 385,5 миллион, электр энергетикаси объектлари реконструкцияси учун 188 миллион, металлургия корхоналарини қайта жиҳозлашга 190,4 миллион, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта жиҳозлашга 150 миллион, коллежлар ва академик лицейлар қурилиши ва реконструкцияси учун 131 миллион АҚШ доллари миқдорида ва бошқа соҳаларга сармоялар жалб этиш режалаштирилмоқда.

«Интерфакс» агентлиги Тошкентдаги «давра суҳбати» йиғилиши Ўзбекистон ҳукумати тақдим этган лойиҳаларни молиялаштириш учун молия институтларининг имкониятлари ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ислом Тараққиёт банкининг ташаббуси билан ўтказилганини алоҳида қайд этади.

**«Жаҳон» АА**

## ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА

### УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Малайзия фан, технология ва инновациялар вазирлиги Бош котиби Абдул Ханаан Бин Аланг Ендут раҳбарлигидаги делегация аъзолари 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов билан учрашди.

Академиклар, қатор илмий-текшириш институтлари мутахассислари иштирок этган мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Малайзия давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Малайзия илмий доиралари вакиллари иштирок этган илмий анжуманда икки мамлакат олим ва мутахассисларининг илм-фаннинг турли йўналишлари, жумладан, ахборот технологиялари, физика, кимё, нанотехнологиялар, электроника ва генетика каби соҳалардаги сўнгги янгиликлар ҳамда тенденцияларга оид маърузалари тингланди.

— Ташриф доирасида мамлакатингизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзигулик самараларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Малайзия делегацияси раҳбари. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бошқа жабҳалар қатори мазкур соҳаларда ҳам кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қадимий Хивага сафаримиз давомида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан ушбу шаҳарда ташкил этилган илм-фан тарихи музейи кўргазмалари билан яқиндан танишдик. Музей бизда катта таассурот қолдирди. Хоразм Маъмун академияси ҳузурида ҳамкорликда янги марказ очиш, унда кўплаб мамлакатлардан, жумладан, Малайзиядан ҳам келган олим ва мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш ҳақида келишиб олдик. Айни пайтда 2008 йилда мазкур академиянинг илмий меросини ўрганиш бўйича Малайзияда кўчма кўргазма ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирганини ҳам алоҳида қайд этмоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишларга берилган муносиб баҳодир.

Шу куни Малайзия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## «МАРИТЕКС — БУХОРО»

### ХОРИЖГА ЧИҚМОҚДА

Жондор туманининг «Навработ» қишлоғида фаолият юритаётган Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ён атрофидаги Поччойи, Жўтисафед, Қоравул қишлоқларидан ҳам ўттиз нафарга яқин ёшларни муқим иш жойлари билан таъминлади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида корхона 200 минг жуфтдан зиёд жаҳон стандартлари даражасида пайпоқ ишлаб чиқарди. Бунинг бир қисми ички бозорда сотилиб, қолган 30 минг АҚШ долларига тенг қисми экспортга чиқарилди.

— Биз бу миқдорни келгусида 200 минг долларга етказишни мўлжалга олганмиз, — деди корхона раҳбари Бахтиёр Мардонов.

**Даврон БАҲРОНОВ**

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Сурхондарё вилоятида Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида барча шароитларга эга тўртта янги мактаб фойдаланишга топширилади**

Вилоятнинг Сариосиё, Бандихон ва Қизириқ туманларида қад ростлаётган замонавий мактабларда сўнгги қурилиш-пардозлаш ишлари якунига етмоқда.

Бойсун туманининг Тангимуш қишлоғидаги 34-мактаб ўқувчилари ҳам янги ўқув йилини янги замонавий мактабда бошлайди. Бунинг учун «Сангисафет» хусусий фирмаси қурувчилари 490 ўринли мактаб биносини бунёд этмоқда. Бу ерда замонавий ва ёруғ фан хоналари, барча қулайликларга эга спорт зали ҳам болажонларга байрам туҳфаси бўлди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

### ПОЙТАХТИМИЗДАГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

— Жорий йилда коллежимизни ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқшунослик, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти мутахассисликлари бўйича 604 нафар йигит-қиз битирди, — дейди 2-Тошкент юридик коллежи директори, юридик фанлар номзоди Абдумухтор Ҳасанов. — Қувонарлиси, ўқишни аъло баҳолар ва намунали хулқ билан битираётган 43 нафар йигит-қизга имтиёзли диплом топширилди.

— Ушбу даргоҳда тақсил олганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди коллеж битирувчиси Хуршида Зупарова. — Ҳуқуқшунослик бўлимида аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Мамлакат миқёсида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2007» республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим. Ниятим бу ерда олган билимларимни янада бойитиб, келгусида Тошкент давлат юридик институтида ўқишни давом эттиришдир. Ўйлайманки, бу орзуимнинг ушалишида коллежда устозларимдан ўрганганларим асос бўлади.

**Суратда:** 2-Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтган диплом топшириш тантаналаридан лавҳа.

**Навоий вилоятининг Конимех тумани аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.**

## ГАЗ ТАЪМИНОТИ

### ЯХШИЛАНМОҚДА

«Сарибел» қорақўлчилик ширкат хўжалигининг «Янгиқозғон», «Конимех» қорақўлчилик ширкат хўжалигининг «Саржал», «Теріқудуқ» овуллари тўлиқ газлаштирилди.

— Кейинги йилларда газлаштирилган «Чордара» ширкат хўжалиги, «Шўркўл», Ҳамид Олимжон номли фермерлар уюшмалари ҳудудидаги ўнга яқин қишлоққа узлуксиз табиий газ етказиб беряпмиз, — дейди туман газлаштириш идораси филиали раҳбари Сакен Якубаев. — Ҳозирда тумандаги беш мингта хонадон, юзга яқин корхона, ташкилот ва муассаса «зангори олов»дан фойдаланмоқда. Куни кеча «Шўркўл» қишлоғида «Навоий-Аскомжтранс» қўшма корхонаси кўмагида газ насос подстанцияси қуриб битказилди.

Эндиликда олис чўл ҳудудидаги Абай номли, «Қизилқум», «Қарағата», «Маданият» ширкат хўжаликларига суюлтирилган газ бевосита мазкур подстанциядан жўнатилмоқда. Шу билан бирга автомашиналарга газ қуйиш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Жорий йил бошидан бери истеъмолчиларга 165 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

**(ЎзА)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ОЗОДЛИК — БУЮК НЕЪМАТ

## УНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАМОҚ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ, — ДЕЙДИ ҒИЖДУВОН ТУМАНИДАГИ «МЕВАЗОР» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, ЎзХДП АЪЗОСИ САЛОМАТ ҒАНИЕВА

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ўқир эканман, бошимдан кечган яхши-ёмон кунлар кўз олдимдан бирма-бир ўтди... Тенгдошларим, бирга ишлаган одамлар мустабид тузум даврида қандай туҳматлар билан сочим оқарганини яхши биладилар. Мен яқин ўтмишдаги воқеаларни айтаяпман. Аждодларимиз кўп йиллар мустамлакачилик азобини тортиб келди. Мана, салкам ўн олти йилдирки, мустақилмиз, ўзлигимизни англяпмиз, қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк ватандошларимиз ҳурмати жойига қўйилмоқда.

Эсланг-а, ислом оламининг йирик намояндаси Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳи қўним топган жойлар асрлар оша қандай камситилди... Ул зоти шарифнинг муборак мақбараси атрофи дон бозорига айлантирилиб, Улуғбек мадрасаси эшигига қулф осилганида қўлимиздан ҳеч иш келмади. Сўфи Чўян ҳазратлари номи билан аталган зиёратгоҳ ва қабристонга борган кишилар жазоланмай қолмади. Диндорлар матбуотда очиқдан-очиқ камситилди...

Шукрки, истиқлол шарофати билан юзлаб, минглаб аждодларимиз номлари қайта тикланди. Номи «қора»га чиққан ҳамюртларимиз оқланди, покланди. Зиёратгоҳлар, масжидлар эшиги очилди. Мустақиллик бўлмаганда бундай имкониятлар қайда эди?!

...1997 йилда Маккатиллога ҳажга борганимда истиқлол қадрини янада чуқурроқ тушунганман. Илгари бориб бўлармиди? Яна бир мисол. Мустақилликдан илгари уй-жой қуриш ёки томорқа учун бир парча ер олиш қанчалик машаққат эди. Ҳозир 35 гектарлик боғ-чорбоғим бор. Жамоамизда 100 нафардан ортиқ киши доимий иш билан таъминланган. Эрким қўлимда, топганимни қишлоқдошларим билан баҳам кўраман, кўнглим хотиржам. Бахтиёр она, меҳрибон бувиман. Беш фарзандим эл хизматида, невараларим атрофимда. Энг асосийси — эл-юрт осойишта.

Бугун туманимизда замонавий корхоналар, уй-жойлар, «Бахт уй»лари, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатувчи турли инфратузилмалар, мактабу коллежлар худди эртаклардагидек... Тўй-ҳашамлар, бозорлардаги тўкин-сероблик, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳаммасидан кўнглинг яйрайди. Бу ниманинг маҳсули? Мустақиллик бўлмаганда бундай ҳуқуқ қаерда эди?!

Партиядошларимиз даврасида бўлганимда уларнинг янгича дунёқараши ва фикрлашларидан, мамлакатимизда кечаётган жараёнлар моҳиятини англашга интилишларидан қувониб кетаман. Беихтиёр хулоса қиламан: бу кунларнинг қадрига етишимиз керак. Мустақиллик менга шунча имконият, ваколат берибди, мен мустақилликка қандай хизмат қилаяпман, деб доим ўзимиздан ўзимиз сўрамоғимиз керак.

**Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ЎзХДП ҳаёти**

# «ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ»

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУЛИСТОН ШАҲАР КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ШУ МАВЗУДА ЎТКАЗИЛГАН АМАЛИЙ АНЖУМАН САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Анжуман аввалида бир гуруҳ ёшларнинг ЎзХДП сафига қабул қилинганликларини айтиб ўтмоқ жоиз. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонига нисбатан муносабатлари эшитилиб, фикр-мулоҳазалари тингланганлиги ҳам айни муддао бўлди.

— Ҳозиргина ЎзХДП сафига қабул қилиндим, — дейди II-педагогика коллежи ўқитувчиси Рустамжон Бўрибоев. — Йигирма уч ёшдаман. Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини битириб келиб, ишлаётганимга бир йил тўлаяпти. Юқоридаги Фармон биз ёшларга нисбатан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Қолаверса, бу ҳаётбахш ҳужжатнинг ЎзХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанглиги ҳам шу партия аъзоси сифатида мени қувонтиради.

Анжуманни очган Олий Мажлис Сенати аъзоси, вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Ҳаётхон Ортиқбоева мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир» шиори остида вилоятнинг барча бурчакларида тайёргарлик қизғин бораётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Мамлакат миқёсида, шу жумладан вилоятнинг барча ҳудудларида ҳам Истиқлолнинг ўн олти йиллигига ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда ўтказилган анжуманда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева Президентимизнинг мазкур Фармони моҳияти, аҳамияти, унинг партия дастурий мақсадларига мослиги ҳақида атрофлича тушунча берди. Хусусан, ёш оилаларга, айниқса уларнинг кам таъминланганларига уй бериш, ҳовли-жой қуриш учун ер майдонлари ажратиш, уй-рўзғор буюмлари харид қилиш, яшаб турган турар-жойларини таъмирлаш учун имтиёзли кредитлар бериш тартиби бўйича тушган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

— Оила — жамиятнинг муҳим бўғини, асоси, таянчи, — деди маърузачи. — Бу бўғин қанчалар мустаҳкам бўлса, бундан жамият шунча ютади. Шу жиҳатдан, юқоридаги Фармонни ҳар бир оиланинг тинчлиги, фаровонлиги, осойишталигини кўзлаб эълон қилинган муҳим ҳужжат дейиш мумкин.

— Гулистон шаҳридаги «Маданият» маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди ҳунарманд Машрабхон Каримова. — Ишсизларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликни йўлга қўйдим. Менинг ўзим ҳозирда 16 нафар ногирон билан бирга уй меҳнати асосида ишлаяпман. Уларнинг аксарияти кам таъминланган ёш оилалар аъзолари. Энди шу йўналишдаги ишларимни янада кенгайтириш мақсадида кредит олмоқчиман. Мазкур Фармон бу борада бизга катта имкониятлар яратди.

— Ёш оилалар қанчалик тез оёққа турса, мустаҳкамланса шунча яхши, — дейди Марказий Банк вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Комилжон Каримов саволларга жавоб берар экан. — Бу борада яна қандай муаммолар, саволлар бўлса, бизга мурожаат қилишларингиз мумкин. Баҳоли қудрат ҳамжиҳатликда мушкулларингизни енгиллаштиришга ҳаракат қиламиз.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ВАЗИФАЛАР

## МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Шуманай, Когон туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши, туман партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзолари, БПТ раислари, маҳаллий Кенгашларга ЎзХДПдан сайланган депутатлар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Пленумларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ХДП фракцияси аъзоси Романберди Раззақов, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибадуллаев, Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга доир Конституциявий қонун қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш муносабати билан туман партия ташкилотлари ва депутатлик тузилмалари зиммасига тушадиган ташкилий ҳамда сиёсий вазифаларга тўхталдилар. ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини юксак даражада кутиб олишга тайёргарлик кўришда ХДП фаолларининг режа ва ишлари ҳақида фикр юритилди.

Пленумларда ташкилий масалалар кўрилди. Бахитбой Қутлимуродов Ўзбекистон ХДП Шуманай, Шуҳрат Ёдгоров Когон туман кенгашларининг раислари этиб сайландилар.

**(Ўз мухбирларимиз)**

# БОЛАЖОНЛАРГА

## КОМБИНАТ СОВҒАСИ

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Навоий шаҳридаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига комбинат томонидан «Дамас» автомашинаси совға қилинди. Ушбу муассасада тарбияланаётган болажонларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида уларга спорт кийимлари ва анжомлари ҳам топширилди.

— Юртимизда мурувватли инсонлар борлигидан ва уларнинг фарзандларимизга кўрсатаётган саховатидан беҳад хурсандмиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Людмила Юрикова. — Айниқса Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти бизнинг муассасамизга тез-тез ана шундай мурувват кўрсатиб туради.

Мазкур комбинатга қарашли «Суғдиёна» спорт мажмуаси эшиклари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун доимо очиқ.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири**

# МАКТАБ-ИНТЕРНАТ

## ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Хўжайли туманидаги 3-республика ёрдамчи мактаб-интернат биноси қурилишини «Жанбас сув қурилиш-монтаж» корхонаси бунёдкорлари барвақт тугалладилар. Яна салкам икки ойдан сўнг бағрига 360 нафар ўқувчи ёшларни чорлагувчи мазкур таълим-тарбия маскани атрофида ҳозир кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Фан ва тараққиёт**

# МУКАММАЛЛИК НУҚТАСИ

## ЁХУД ИНСОННИ ЎРГАНИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИСТИҚБОЛЛАР ОЧУВЧИ ЯНГИ ФАН ХУСУСИДА

Бу дунёда машҳур инсонларга ҳавас қилмайдиган одам кам топилса керак. Одамзот борки, машҳур ёки катта обрў-эътиборга эга бўлишни хоҳлайди. Ҳатто ёш боланинг ҳам ўз қаҳрамони бўлади ва у доимо шунга ўхшашга интилади. Хатти-ҳаракатларини ўз идеалига мос равишда амалга оширади. Масалан, айтайлик «Қандай қилсам шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновдай ёки профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевдай бўламан», — деб қалбига тугиб қўяди.

Бу хоҳиш ва қизиқишни амалга ошириш учун болани ўзи интилаётган соҳага тааллуқли бўлган ахборотлар билан узлуксиз таъминлаб туриш ота-она ва яқинлари учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Боланинг узлуксиз шуғулланиши натижасида унда ҳам билим ва кўникмалар ҳосил бўла бошлайди.

Бунда унинг ўсишига кўмак берувчи билимларни ахтариш, тўплаш, хотирага ёзиш, қайта ишлаш ва янгисини етказиш жуда муҳим. Танлаган касбга тааллуқли ахборотларни саралаб, боланинг қизиқиш ва интилишларига мос равишда бериб бориш, сўнгра олинган натижаларни таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш баробарида унга керакли услубда, зарур йўналишда тарбия бериш янада жиддий. Хўш, бу билан ким шуғулланади? Ушбу айтиб ўтилганларнинг ечимини топувчи фан борми?

Инсон даҳоси томонидан яратилган билимлар ижтимоий, табиий-гуманитар йўналишда бўлишидан қатъи назар, барчаси инсоният тараққиёти ва унинг манфаати йўлида хизмат қилади.

Шу ўринда савол туғилади: шу чоққача инсон ўзини ўзи муфассал тизимли равишда ўргандими, ўзининг феноменологиясини, ижодий ва меҳнат потенциалларини таҳлил қила билдими? Мана шу ва бошқа саволлар XXI аср инсоншунослик фанлари олдида турган энг катта масалалардан бири бўлиб, ҳозир олимлар бу масаланинг ечимини турлича талқин этмоқда, ўз таклифларини билдирмоқда.

Масалан, рус олимларидан академик Деркач ва Анаьевлар томонидан инсон қай йўсинда ўзининг маҳорат чўққисига эришишини, ҳаётдаги ютуқлари циклини, яъни ривожланиш босқичларини кузатиш натижасида унинг қонуниятларини аниқлайдиган фаннинг яратилиши ҳам ушбу соҳада эришилган улкан ютуқлардан бири бўлди. Бу фан ҳам генетик ёндашув асосида, ҳам бутун яшаш даврида инсонни ёшлик чоғидан то умри охирига қадар қандай ташқи ва ички таъсирлар қуршовида бўлишини, у ўз-ўзини такомиллаштириш чўққисига етганидан сўнг жамиятга қандай фойда бериши мумкинлигини ўз таълимот объектида мужассамлаштирган бўлиб, АКМЕОЛОГИЯ деб аталади.

«Акме» атамаси юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, «ўсиш, ривожланишнинг юқори чўққиси, мукаммаллик нуқтаси» каби маъноларни беради. У инсоннинг ривожланиш ҳамда касбийлик давридаги эришган юқори даражадаги кўникма ва қобилиятлари натижаси сифатида тушунилади. Қисқа қилиб айтганда, акмеология одамзотнинг туғилишидан тортиб, то ривожланишигача бўлган тенденцияларни аниқлашга, унинг қобилиятларини кўрсата билишга ҳамда бошқаришга йўналтирилган фан.

Биз ҳар куни турли хил оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб буюк инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида эшитамиз, китоблардан ўқиймиз. Улар ҳақиқатан ҳам ўз касбийлик ва маҳорат чўққисига, яъни «акме»сига эришган инсонлардир. Марказий Осиёда, хусусан, бизнинг заминимизда 5500 дан ортиқ олиму алломалар, давлат ва дин арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳамда бошқа касб усталари етишиб чиққан. Дунёга машҳур Маъмун академиясининг етакчи устозлари — Ал-Розий, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, ўрта аср даҳолари — буюк соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ҳамда сўз мулкининг султони Алишер Навоий, бетакрор мусаввир Камолиддин Беҳзод ва бошқа кўплаб алломаларнинг буюк ишларини, инсоният тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаларини эслашнинг ўзи кифоядир. Бугун ҳеч иккиланмасдан ҳазрат Алишер Навоийни нафақат шоир, балки инсоншунослик ва жамиятшунослик фанининг асосчиси дейишга ҳақлимиз.

Бу шахслар муболағасиз айтиш мумкин, ўз касбий фаолиятининг чўққисига етган буюк зотлардир. Ҳозирги кунда-чи? Биз ўзимизнинг аждодларимизга муносиб авлод бўлишимиз, билим ва интеллектуал салоҳиятимиз билан дунё нигоҳини юртимизга қаратишимиз учун нималар қилмоғимиз лозим? Хўш, улуғ боболаримиз ўсиб вояга етган давр ва уларнинг ривожланиш босқичларини кузатсак, қандай хулосаларга келамиз? Агар биз бир қанча буюк алломаларнинг ўсиш ва ривожланиш тенденцияларини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, қобилият ва имкониятларимизни сарҳисоб қилиб, ўзимизни бошқаришни мукаммаллаштирсак, албатта, шахсий ривожланиш моделимизни ярата оламиз.

Ҳозирги пайтда акмеология фанининг инсонни ўрганиш фанлари орасидаги аҳамияти кун сайин ривожланиб бормоқда. Чунки бу фан қонуниятларига кўра, мамлакатнинг энг буюк бойлиги — фаол шахс, яъни ижтимоий ва касбий субъект, интеллектуал капитал сифатидаги инсон ҳисобланади.

Шуниси эътиборлики, жорий йилнинг февраль ойида Тошкент ахборот технологиялари университети қошида Марказий Осиёда ягона бўлган акмеология маркази ташкил этилди.

Ҳар бир одамда туғилганиданоқ Аллоҳ томонидан инъом қилинган маълум қобилият нишоналари пайдо бўлади. Аммо ҳамма ҳам бу қобилиятни рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни ҳисобга олмайди, шунга мос равишда ҳаракат қилмайди. Натижада улар ўз касбийлик чўққисига эриша олмайдилар. Айнан шу муаммоларнинг таҳлили ва ечими билан шуғулланувчи янги акмеология марказида ҳозир мунтазам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жамиятшунослик, инсоншунослик фанларини, айниқса, менежмент, психология, педагогика билимлари интеграциясида пайдо бўлган акмеология фани ўзини таниш, созлаш ва мукаммаллаштиришда, қолаверса, касбий камолотга яъни ўз «акме»сига эришишда борган сайин кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Ва энди у XXI асрнинг етук кадрларга бўлган талабига ўз жавобини бера олади.

**Азизжон СОЛИЕВ**

**Истиқлол имкониятлари**

# ЧОДАК ҚИШЛОҒИДА БАЙРАМ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда нафақат шаҳар ва туманлар марказлари, балки қишлоқ ва бошқа аҳоли яшаш пунктларида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилиб, халқ турмуш даражасини юксалтириш мақсадида улкан ишларга қўл урилди.

— Қишлоғимиз туман марказидан 54 километр узоқликда жойлашган, — дейди Поп тумани «Чодак» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Соатали Дадабоев. — Мустақиллик йиллари ҳудудимизда фахрланса арзигулик ютуқларга эришилди. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш йўлида қатор ибратли ишлар қилинди. Очиғи, бундай чекка бир қишлоққа табиий газ келишини бундан 16 йил аввал одамлар ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Бугун эса хонадонларимизда беминнат «зангори олов» ёнмоқда. Илгари 18 минг аҳоли яшайдиган қишлоғимиз учун биттагина мактаб бўлса, ҳозир замонавий қиёфадаги 4 та мактаб фаолият кўрсатмоқда. Улардаги шарт-шароитларни кўрган киши «мустақиллик берган буюк имкониятлардан биттаси шу-да» дейиши турган гап.

Дарҳақиқат, бугун Чодак қишлоғида Ибн Сино номидаги доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган ўрмон хўжалиги ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда йилига 23 турдаги 62,5 тонна доривор гиёҳ етиштирилади. Хўжалик бошқарув раиси ўринбосари Жалол Жабборовнинг айтишича, қишлоқда ўтган йилдан бошлаб 6 турдаги гиёҳни қайта ишлаш йўлга қўйилибди. Яқин кунлар ичида бу кўрсаткич 15 турга етказиларкан.

Яқинда Чодак қишлоғи марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» номли тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Тоҳиржон Дадабоев, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Зиёвиддин Мансуров, туман ҳокими ўринбосари Шоирахон Абророваларнинг дил сўзлари, «Ҳазрати боб» фольклор-этнографик жамоасининг чиқишлари мазкур иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бугун чодакликлар ана шундай бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда, мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишмоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Таътил**





# ЁЗ ГАШТИ

## ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ ШОДЛАНТИРМОҚДА

Бугун мактабларда дарслар тугаб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқишган. Уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун Қорақалпоғистон Республикасида ҳам зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

— «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътилни мароқли ўтказиш мақсадида қатор ижобий ишлар рўёбга чиқарилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндиқ Ниетуллаев. — Шу мақсадда 26 та болалар оромгоҳида зарур тайёргарлик ишлари кўрилди. Шуларнинг 21 таси маҳаллий ҳокимиятлар, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомийлар ҳисобига тўғри келади.

Ана шундай оромгоҳлардан бири «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш маркази ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили ёз мавсумида мингдан ортиқ бола дам олиб, ҳордиқ чиқаради. Бу марказ Аҳчакўл бўйида жойлашган. Оромгоҳда бугун ёшларни соғломлаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун тарбиячи-мураббийлар бор куч-ғайратларини аяшмаяпти.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратларда:** «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш маркази фаолиятидан лавҳалар.

Банк ва мижоз

# АСТОЙДИЛ ҲАРАКАТ СИЗДАН, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БИЗДАН,

MIKROKREDITBANK

## ДЕЙИШМОҚДА АТБ «МИКРОКРЕДИТБАНК» СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонимизда ўзининг нурли режаларини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қиладиган, югуриб-еладиган тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жумладан, ўтган йилнинг май ойида ташкил этилган акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк» вилоят бошқармаси жамоаси ҳам юртдошларимизнинг хайрли ишларига мададкор бўлмоқда. Эндиликда ўзи учун қулай шароит, имконият яратишга интилаётган кичик ва хусусий бизнес вакиллари биринчи галда ана шу банкка мурожаат қилишмоқда.

Ўтган бир йил муддат ичида банкнинг Сирдарё вилоят бошқармаси мижозлари ҳам кўпайиб қолди. Кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган имтиёзли микрокредит маблағлари қишлоқ жойларида янги ишчи ўринлари яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга олиб келмоқда.

Масалан, Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган «Ҳумоюн Лада сервис» хусусий корхонаси (раҳбари Равшан Шарифов) банкнинг Гулистон шаҳар бўлимидан 6 млн. сўм йиллик 14 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан микрокредит олган эди. Аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш учун олинган бу маблағ аниқ мақсадга ишлатилиб, 5 та янги ишчи ўрни яратилди. Бугунги кунда хусусий корхона ўз фаолиятини янада кенгайтириб бормоқда.

Гулистон туманидаги Деҳқонобод қўрғонида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор Муҳаббат Бўроновага тикувчиликни йўлга қўйиши учун олти юз минг сўм 18 ой муддатга йиллик 5% устама ҳақ тўлаш шарти билан микрокредит маблағи ажратилди. Бу имтиёзли маблағ ҳисобига тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириб бораяпти.

Умуман, «Микрокредитбанк» АТБ Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан 2007 йилда кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 834 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бошқарма томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ҳокимликлар билан биргаликда кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Хусусан, вилоятнинг Ширин, Гулистон шаҳарлари, Сирдарё, Оқ олтин туманларида худди шундай семинарлар ташкил этилди. Уларда тадбиркорларни қизиқтирган барча саволларга батафсил маълумотлар берилмоқда.

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги 2006 йил 5 майдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги қарорига асосан акциядорлик-тижорат «Микрокредитбанк»нинг кредит линиялари ҳисобидан «Бошланғич сармояни шакллантириш, айланма маблағни тўлдириш ва кичик бизнесни ривожлантириш учун микрокредит бериш ҳамда микролизинг хизматлари кўрсатишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қоидага мувофиқ фаолият юритмоқда. Банк бўлимлари томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бошқарма бугунги кунда ўзига қарашли 3 та (Амалиёт, Сирдарё, Боёвут) бўлимлари ва 13 та минибанклари ҳамда 2 агентлиги билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аҳоли қўлидаги нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда аҳоли ва хўжалик субъектларига уларнинг депозит ҳисоб варақларидаги мавжуд маблағлари доирасида биринчи талаб бўйича бериб бориляпти.

Бошқармада аҳоли омонатларини банк кассаларига жалб этиш 2007 йил 1 январь ҳолатига 488 679 000 сўмни ташкил этган бўлса, 2007 йил 1 июнь ҳолатига кўра 480 353 100 сўмдан ошди.

Ҳозирги пайтда банк пластик карточкалар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди:

Жумладан, бошқарманинг пластик карточкалар билан ишлаш бўлими томонидан 2007 йил 1 июнь ҳолатига кўра, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида жами 25 та терминал мижозлар хизматида. Мазкур терминаллар орқали ўтказилган тўловлар суммаси 150 млн. сўмдан зиёд бўлди.

Айни пайтда пластик карточкаларнинг янги «Хазина карт» (йиллик 20%) омонат тури жорий этилган бўлиб, бу банкка кўплаб янги мижозларни жалб этиш имконини бермоқда.

Маълумки, банк ўз фойдасини маҳсулотлар реализациясига кўра шакллантиради. Ҳисоб-касса хизмати, кредит ажратиш ва унга кафолат бериш банк маҳсулотларидир. «Микрокредитбанк» Сирдарё вилоят бошқармаси ҳам ана шундай мезонга амал қилиб, эришилган ютуқларни кўпайтиришга интилмоқда. Айниқса, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга ҳисса қўшишни улар ўзларининг асосий вазифалари, деб биладилар.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

ҲУДУДЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ

ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛДИ

*Россия Федерацияси давлат думаси янги маъмурий-жўғрофий ҳудуд – Забайкал ўлкасини ташкил этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда қабул қилди.*

*Чита вилояти ва Агинск Бурятск мухтор округи бирлаштирилиб, улар негизида ушбу ўлка ташкил этилди.*

*Қонун лойиҳаси Россия Федерацияси субъектларини бирлаштириш бўйича ўтказилган референдум натижаларига кўра, Россия президенти томонидан давлат думасига тақдим этилган.*

*Шундай қилиб, янги ўлкани ташкил этиш бўйича қабул қилинган мазкур қонун 2008 йил 1 мартдан эътиборан расман кучга киради. 2010 йил 1 январгача давом этадиган ўтиш даврида ўлканинг янги маъмурий органи шакллантирилиши лозим. Ўлканинг қонунчилик мажлиси депутатлигига сайловлар эса 2007 йил 12 октябрда бўлиб ўтади.*

*Забайкал ўлкаси ҳудудлар бирлашуви натижасида юзага келган бешинчи маъмурий-жўғрофий ҳудуддир. 1 июль куни эса Камчатка вилояти билан Корякия мухтор округи расмий бирлаштирилиб, Камчатка ўлкаси ташкил этилди.*

*«Интерфакс» ААнинг маълум қилишича, ҳудудларни бирлаштириш жараёни президентлик сайлови (2008 йилда) бўлиб ўтгунига қадар тўхтатилди.*

*Дарвоқе, ҳудудий бирлашув ғоясини барча субъектлар бирдек қўллаб-қувватламаяпти. Жумладан, адигейликлар Краснодар ўлкаси билан, Олтой Республикаси эса Олтой ўлкаси билан бирлашишни рад этди. Архангельск вилоятининг Ненец мухтор округи билан бирлашуви ҳам кейинга қолдирилди. Шуни таъкидлаш лозимки, Адигей билан Краснодар ўлкасини бирлаштириш масаласи ҳудудда вазиятни кескинлаштириб юборди, шунинг учун бу лойиҳа кун тартибидан чиқарилди.*

*Эслатиб ўтамиз: субъектларнинг ҳудудий бирлашуви натижасида ҳозирги кунда Россия Федерацияси субъектлари сони 89 тадан 85 тага тушди.*



## ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

### ЎЗГАРТИРИЛАДИ...МИ?



*«Юлия Тимошенко блоки» депутати Олег Антипов «Украина давлат байроғи тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасини Олий Радага тақдим этди. Ушбу лойиҳа давлат байроғидаги ранглар ўрни алмаштирилишини назарда тутади. Антиповнинг айтишича, Хитойнинг қадимий халқ анъаналари бунга асос қилиб олинган.*

*Амалдаги давлат байроғида сариқ ранг тепада, мовий ранг эса пастда жойлашган. Қадимги Хитой анъаналарига кўра, рангларнинг бундай жойлашуви муваффақиятсизлик рамзи эмиш.*

*Депутатнинг айтишича, — дейилади «Корреспондент.net» хабарида, — байроқдаги мовий ранг тепага, сариқ ранг эса пастга жойлаштирилиши Осмон ва Ернинг омухталигига мосдир. Бу эса мамлакатга бахт калитини очиб беради.*

## БАЛЛИСТИК РАКЕТА

### СУРИЯГА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН



*Эрон ўзининг «Shihab-3», «Scud-B» ҳамда «Scud-C» баллистик ракеталарини Сурия ҳудудига жойлаштиришни мўлжаллаб турибди, дея хабар беради «Israeli National News».*

*Бундан икки йил аввал Эрон ва Сурия президентлари томонидан имзоланган битим ракеталар жойлаштирилишини ҳам назарда тутади.*

*Ушбу ракеталар 600 дан 2000 километр масофагача уча олади.*

*Уларга ядровий ҳамда кимёвий каллаклар ўрнатилиши мумкин.*

## ОЛТИ ТОМОНЛАМА МУЗОКАРАЛАР

### 14 ИЮЛДА БОШЛАНИШИ ЭҲТИМОЛИ БОР

*Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея делегациялари иштирокида КҲДРнинг ядро дастурини тўхтатиш юзасидан бир неча йилдан бери давом этиб келаётган олти томонлама музокараларнинг навбатдаги босқичи 14 июль куни Пекинда бошланиши мумкин. Бунинг учун Корея Халқ Демократик Республикаси ўзининг ядро реакторини тўхтатганлиги тўғрисида расмий баёнот бериши лозим. Музокара иштирокчилари айнан шундай баёнот келгуси ҳафтада эълон қилинишига умид билдиришмоқда, дейилади «Ренхап» АА хабарида.*

*Маълумотларга қараганда, Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) экспертлари ядро реакторлари тўхтатилиши ва ядро объектлари муҳрланишини кузатиш учун 12 июль куни Шимолий Кореяга ташриф буюрадилар.*

*Эслатиб ўтамиз: олти томонлама музокараларнинг охирги босқичи шу йил февралда Пекинда бўлиб ўтган. Унда томонлар ўзаро келишувга эришган эдилар. Яъни Шимолий Кореяга ёнилғи ва умуман энергия ресурслари етказиб бериш эвазига КҲДР ўзининг ядро дастурини «музлатиши» лозим. Шу боис ўтган ойда КҲДРнинг яна бир талаби қондирилди — Америка томонидан «музлатиб» қўйилган Макаонинг «Banco Delta Asia» банкидаги Шимолий Кореяга тегишли активлар КҲДРга қайтариб берилди. Жанубий Кореянинг энергокўмаги эса 14 июль куни амалга оширилади. Бунинг эвазига КҲДР ядро объектлари рўйхатини олти томонлама учрашув вакилларига тақдим этиши ва ядро реакторларини тўхтатиши лозим.*

## АВТОМОБИЛЬ РАҚАМЛАРИ

### АУКЦИОНДА СОТИЛАДИ

*Хитойнинг Шанхай мегаполиси маъмурияти йўлларда ҳаракатланаётган автомобиллар сонини камайтириш учун антиқа йўлни танлади.*

*«РБК» ахборотида ёзилишича, эндиликда машина ҳайдашни ўзига ихтиёр этган ҳар бир шанхайлик нафақат транспорт воситасини сотиб олиши керак, балки унга қўйиладиган давлат рақамини ҳам кимошди савдосида сотиб олиши лозим.*

*Таъкидлаш жоизки, давлат рақамлари чекланган миқдорда кимошди савдосига чиқарилади, яъни бир ойда 6000 та. Агар Шанхай ва унинг атрофидаги манзилларда 18 миллион одам яшашини ҳисобга олсак, рақам учун кураш қанчалик жиддий тус олишини энди тасаввур қилиб олавéринг. Тахминларга кўра, автомобилнинг битта давлат рақами 6 минг долларгача баҳоланиши мумкин экан.*

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицейи 2007-2008 ўқув йили учун
2007 йилда 9-синфни битирган иқтидорли ўқувчиларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга қабул қилинган номзодлар ётоқхона, 4 маҳал овқат ва ҳарбий кийим-кечаклар билан бепул таъминланади.

Номзодлар лицейда якуний тиббий кўрикдан ўтказилади ва жисмоний тарбия фанидан қуйидаги меъёрий машқларни топширадилар:
— 60 метрга югуриш;
— 1000 метрга югуриш;
— турникда тортилиш.

**Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**
ҳарбий академик лицей директори номига номзоднинг ва отаонаси (ёки уларнинг ўрнини босувчилар) томонидан ёзилган ариза;
турар-жойидан маълумотнома;
таржимаи ҳол;
мактаб директори ва синф раҳбари томонидан имзоланган тавсифнома;
туғилганлик ҳақида гувоҳномадан ёки паспортидан 2 нусха кўчирма;
умумий ўрта таълим ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;
туман (шаҳар), вилоят Мудофаа ишлари бўлими ва Бошқармалари қошидаги ҳарбий-тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат;
3х4 (4 дона), 4х6 (4 дона) ҳажмдаги бош кийимсиз фотосурат;

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар қўрғони, Ертешар кўчаси, 5-уй.**
**Қўшимча маълумот учун телефон: 500-81-71**

**ҲУЖЖАТЛАР 2007 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН 15 ИЮЛГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИ!**

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ**
**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»**
**очиқ акциядорлик жамияти Сайёҳлик агентлиги**

**«Буюк Ипак йўли»нинг Самарқанд ва Бухоро** *шаҳарлари бўйлаб юқори қулайликларга эга бўлган* **«SHARQ»** ва **«REGISTON» тезюрар поездларида** *сайёҳлик гуруҳлари учун сафарлар уюштиради.*

*Йўл давомида сайёҳларга керакли сервис хизматлари кўрсатилади, ичимликлар, енгил нонушта таклиф этилиб, қўшимча хизматлар тавсия қилинади. Биринчи класс вагонида йўловчилар видеофильм ва видеоклиплар томоша қилишлари, иккинчи класс йўловчилари эса мусиқа ва FM радиосини тинглаб, ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Манзилга етиб борганингизда Сизларни кутиб олган малакали гидлар қулай автобусларда тарихий обидалар бўйлаб унутилмас экскурсиялар уюштирадилар.*

*Шунингдек, Сиз миллий таомлардан баҳраманд бўласиз, ёдгорлик совғалари харид қилиб, мароқли ҳордиқ чиқарасиз.*

**Ўз ходимларини ажойиб дам олиш сафарига юбормоқчи бўлган ташкилот раҳбарлари учун бизнинг агентлигимиз «Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Тошкент» йўналиши бўйича туристик поезд ташкил этиши мумкин.**



**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
***Тошкент ш., «Мовароуннаҳр» к., 51-уй (Мўлжал — «Темир йўл кассалари», «Темирйўлчилар» саройи қаршисида).***
***Тел/факс: 199-71-83, тел.: 199-71-66, 136-46-18.***
***uzjeldpass@mail.ru***
**Хизматлар лицензияланган**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

**Жиззах вилояти 7-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси**
***қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини***

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**«Жиззах вилояти Дўстлик ва Мирзачўл туманларидаги зовурларни қайта таъмирлаш ва қуриш»**

Қурилишни тугаллаш муддати: **2007 йил 20 декабргача.**

Буюртмачи манзили: **Жиззах шаҳри, Бешқувур кўчаси, 15-уй.**

**Телефон: (8-372) 226-07-31.**

*Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси —* **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** *қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.*

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона.***
***Тел/факс: 226-14-66.***

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.**

*Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.*

***Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.***

**Чет элларга ишга кетиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!**

***Чет элларда ишга жойлаштириш борасида турли товламачилик ва қонунбузарлик ҳолларининг олдини олиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига йўл қўймаслик, фуқароларга қонуний асосда чет элларга кетиш тартибини тушунтириш, шунингдек, фуқароларни чет элларда иш билан таъминлаш бўйича шубҳали хизматларни кўрсатаётган фирмалар ва корхоналардан турли таклифлар тушган тақдирда ушбу масалаларга аниқлик киритиш ва бу ҳолатлар тўғрисида маълумот олиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз.***

**Ишонч телефон рақамлари: 132-27-88, 152-75-23.**

**«ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ» ОАЖ**
***қуйидаги маҳсулот ва хизматларни таклиф қилади:***

*МТЗ-80, ТТЗ-80 тракторлари Д-243 двигателини;*
* янгисини ишлаб чиқаради;
* 1 кун ичида мукаммал таъмирлаб беради;
* барча эҳтиёт қисмларни қайта тиклаб беради.

*Двигателнинг бенуқсон ишлаш кафолати — 18 ой ёки 2400 мотосоат.*

*Эски, ишлатилган двигателларни ва унинг барча эҳтиёт қисмларини сотиб олади.*

Шунингдек:
* «Д-243» двигатели тирсакли вали,
* «Д-243» двигатели шатуни,
* штангали осма пуркагич (опрыскиватель штанговый) ОН-300/10, ОН-600/14, ОН-600/18,
* юқори босимда ишловчи шланглар РВД, ф12, ф16, ф20,
* фекаловоз агрегати РУЖ 3,0,
* чуқурлатгич-юмшатгич (углубитель) УР-3 х 0,7,
* ўқариқ очгич КН-1,2,
* ўқариқ ёпгич-текислагич ПН-2,0ни ишлаб чиқаради,
* РР-75, РР-80 гидротақсимлагичларни қайта тиклаб, таъмирлаб беради.

**Манзил: *Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Далварзин қўрғони. Тел./факс: (8-370) 93-51-555, мобил 331-78-15***

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят ходими Юнус Зиёдовга укаси **Эргаш ХИДОЯТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ҲАЁ —

## ДИЛНИ РАВШАН ҚИЛАДИГАН НУР

Баъзан қайсидир ҳаракатимиз ўринсиз бўлганини ўйлаб кўрганмизми? Шунда кўнглимиздан қандай кечинмалар ўтган? Виждонимиз олдида хижолат тортганмиз, тўғрими? **Ҳаё** мана шу хижолат ҳиссининг ўзгинасидир! У бизга аждодларимиздан қолган энг ноёб фазилат, энг қимматбаҳо мерос.

Бир ошиқ шоир Зебунисога «Эй, гулбадан қиз, сен ҳарир пардангни юзингдан ол, ҳусн-латофатингни кўриш орзусидаман» дея шеър тўқибди. Зебунисо унга жавобан «Менинг чеҳрам сўзларимда, ғазалларимда кўрингай!» деб ёзган экан. Бу билан гўзал шоира ҳаёга бўйсунажагини билдириб, шундай сатрлар битган:

*Лайли зотидан эсамда, дилда Мажнундек ҳаво,*
*Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё...*

...Никоҳ тўйига бордик. Келин-куёв давра тўрида бир-бирларига ярашибгина, ердан кўз узмай ўтиришибди. Куй-қўшиқ авжида, ҳамма хурсанд. Тўй ниҳоялаб қолганида, ҳозирги одатга кўра, қудалар ўйинга таклиф этилди. Табиийки, бу пайтда кўпчилик аёл қудаларга зимдан қараб, уларни бир-бирига таққослайди. Биз не кўз билан кўрайликки, келин боланинг онаси сочларини энг сўнгги урфда кестирган, эгнидаги кўйлаги тор, елка ва кўкрак томони анча очиқ қилиб тикилганди. У давра айланиб ўйин тушаркан, тор либосининг икки ёнидаги узун қирқилган жой очилиб, оппоқ оёқлари бор бўйи билан кўриниб кетарди. Буни кўргач, куёв боланинг бувиси «аттанг, аттанг» дегандек бош чайқади. «Неварамнинг кўнглига қараб, синалмаган жойдан келин олибмиз-да, айланайлар» деди астагина.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, — дедик биз. Шунда кекса ая даврага ишора қилди:

— Қаранглар, онаси шунақа кийинса, келинимиз эрта бир кун бизга қанақа томошалар кўрсатаркин?!

«Онасини кўриб, қизини ол» деган нақл қадимдан қолган. Лекин бугунги қизларимиз кийиниб-ясаниш бобида оналари билан кўпам ҳисоблашиб ўтирмайдилар. Баъзилари «Онажон, сиз яшаган даврлар ўтди, ҳозир ёшлар бутунлай бошқача кийинишади!» дейишса, бошқа бировлари «Дугоналарим «мода»га қараб кийинишади, менинг улардан қаерим кам?!» дея баланддан келишади. Бундай вақтда оналар нимаям дерди? Ахир қизлари очиқ-сочиқ кийинишни исташса, бунинг устига бозорларимиз елка томони ип билан боғланадиган кўйлаклар, қорни ним очиқ туриши учун атайин калта қилиб тикилган кофталар, почаси кенг, юқори қисми ўта тор шимларга тўлиб кетган бўлса! Либос дизайни билан шуғулланувчи мутахассисларимиз қаёққа қарашаяпти, дегинг келади гоҳо.

Чет элларда мода мутахассислари аҳолининг қандай кийимларни хуш кўришини аниқлаш мақсадида кинотеатрлар, ёшлар аудиториялари, тўй давралари ва хиёбонларда одамларни кузатишаркан. Ёшлар ва кексалар билан суҳбатлар ўтказишаркан. Шундан сўнггина жами хулосаларни бир жойга йиғиб, миллий калоритни белгиловчи либослар яратиш устида иш бошлашаркан. Бу кийимларнинг чизмалари нуфузли идораларда, катта давраларда ва турли ёшдагилар ўртасида обдон муҳокама қилингандан кейингина амалиётга татбиқ этиларкан.

Ана шу тажрибанинг ибратли томонини биз ҳам ўзлаштирсак бўлади-ку!

Ривоят қилишларича, қадимда ўлимга ҳукм қилинганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Эрталаб уни олиб кетишаётганида аёл посбондан нина ва ип сўрабди.

— Нина ва ипни нима қиласан? Ахир бир неча дақиқалик умринг қолди-ку?!

— Мен аёлман, кийимимнинг ён томони сўкилибди. Шу жойни ҳозир тикиб олмасам, халойиқ олдига йиртиқ кўйлак билан чиқишим уят-ку?

Азал-азалдан аёлнинг ақли, хусни, идроки ва фаросати унинг ҳаёси билан белгиланган.

«Дилни равшан қиладиган нур» бўлмиш ҲАЁ бизнинг ҳаётимиз бўлагидир. Ана шу бўлак нафақат қалбларимизни, балки умримиз йўллариниям ёритиб туради. Шу улуғ миллат номидан сўзлаб, унинг бир фуқароси сифатида ёруғ манзиллар томон одимларканмиз, ҲАЁ доимий йўлдошимиз бўлсин!

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

Мулоҳаза

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА

## ҲИКМАТДИР ДУНЁ



Жилмайишни билмайсизми? Нима қилиш керак? Дастлаб ўзингизни жилмайишга мажбурланг. Агар ёнингизда ҳеч ким бўлмаса, ҳуштак чалиб ёки минғирлаб бирор куйни хиргойи қилинг. Ўзингизни омади юришган бахтли одамдек ҳис этишга ҳаракат қилинг ва бу сизга яхши кайфият ҳосил қилишда ёрдам беради.

Бизда қадимдан кишининг хулқи, одобига баҳо беришда юз-қиёфага алоҳида эътибор беришган. Ҳатто, қиёфа илми билан шуғулланиш муборак ҳадислар билан асосланилади. Зеро улардан бирида: **«Сизлар яхшиликни чиройли юзлардан қидиринглар»,** дейилади.

Ҳақиқатан, чиройли, очиқ юзли кишининг қалби ҳам гўзал бўлади, бошқаларга меҳру оқибатли бўлиб, доимо кулиб туради, мол-дунёнинг ортиғи-ю камига ғам чекмайди.

Очиқ юзли, хушхулқ, хушмуомала одам андиша ва фаросат эгаси бўлади. Бундай гўзал сифатларга эга бўлган одам билан ҳамсуҳбат бўлиш ёмон хулқли, қўрс бир олим билан ҳамсуҳбат бўлишдан яхшироқдир.

# ФОЙДАЛИ НЕЪМАТЛАР



**Олма** энг оммабоп мева ҳисобланади. Дунёда бу бебаҳо неъматнинг 7 мингдан зиёд тури мавжуд. Дастурхонингизга олма қўймоқчи бўлсангиз, унинг туридан, навидан қатъи назар, тозасини, урилмаганини танланг. Яхши пишиб-етилганига, хушбўйлигига эътибор беринг. Пўстлоғини артиш шарт эмас, аммо яхшилаб ювиш керак. Агар ундан шарбат тайёрламоқчи бўлсангиз, ичидаги уруғларини олиб ташлашга ҳам вақт кетказиб ўтирманг. Чунки, таркиби калий моддасига бой. Олма ва унинг шарбати эса С витаминига, қанд, кальций, темир, фосфор, органик кислоталар ҳамда пектин моддасига бой бўлиб, организмдаги холестерин миқдорини камайтиради.



**Гулкарам** таркибида қувват ташувчи моддалар бироз камроқ бўлса-да, сув ва биологик фаол моддалар етарли даражада. Гулкарам таркибида минерал моддалар, микроэлементлар ва аминокислоталар мавжуд. Бу сабзавотни ҳам кўпроқ парҳез сақламоқчи бўлган кишиларга тавсия қилган бўлардик.

**Лавлаги** инсонни ёшартирувчи энг зўр восита саналади. Таркибидаги фолий кислота эса асаб тизимини тартибга солади. Нейробиологларнинг айтишича, фолий кислотасининг етишмаслиги натижасида бахт, тушкунлик ва кўтаринки кайфиятни ҳис қилиб бўлмас экан.

Спорт

# БОСФОРС ХАЛҚАРО ТУРНИРИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича Босфорс халқаро турнири ниҳоясига етди. Бу нуфузли мусобақа курашнинг жаҳон майдонларида мавқеи тобора ошиб бораётганлигини яна бир бор кўрсатди. Мазкур турнирда Европа, Осиё, Пан Америка ва Африка қитъаларидаги 20 та давлатдан, жумладан, Озарбойжон, Арманистон, Туркия, Ўзбекистон, Россия, Конго, Грузия, АҚШ, Сербия, Исроил, Гвинеядан ташриф буюрган полвонлар 8 вазн тоифасида ўзаро беллашдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Туркия кураш федерацияси бу турнирни юқори савияда ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширди.

Турнир якунида бир ҳафталик ўқув машғулот йиғини ташкил этилди.

**Олтин медаллар тақсимоти қуйидагича бўлди:**

**Эркаклар**
66 кг.гача
Нодир Бобоев (Озарбойжон)
81 кг.гача
Равшан Маҳмудов (Ўзбекистон)
90 кг.гача
Моисес Иллиадис (Греция)
90 кг.дан юқори
Бобир Қувватов (Ўзбекистон)

**Аёллар**
52 кг.гача — Инна Черняк (Украина)
63 кг.гача — Ануш Хакобян (Арманистон)
70 кг.гача — Эбру Актан (Туркия)
70 кг.дан юқори — Татьяна Андрющенко (Украина)

Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз биринчи, туркияликлар иккинчи ва украиналиклар учинчи ўринларни эгаллашди.

**Муҳайё ОЧИЛОВА.**

# ПОЛВОНЛАРИНГ ҚЎЛЛА, ДУНЁ

*Ерга тегмас асл полвон кураги,*
*Тоғдай бўлар жасурларнинг юраги.*
*Ориятдир суянгани — тираги,*
*Эй дунё, мард полвонларинг қўллагин.*
*Полвонларинг қўлла дунё, қўлла-ей,*
*Илоҳий куч, қудратингдан йўлла-ей.*

*Суринганда тош ўймасин тиззасин,*
*Тортмасин ҳеч мағлубликнинг иззасин.*
*Йўқотмасин ҳаловатин, изза тин,*
*Эй дунё, мард полвонларинг қўллагин.*
*Полвонларинг қўлла дунё, қўлла-ей,*
*Илоҳий куч, қудратингдан йўлла-ей.*

*Тоғ қуласа тоғлигича қолади,*
*Боғлар сўлса қайта гуллаб кулади.*
*Мард қуласа ҳаёт ғамга тўлади,*
*Эй дунё, мард полвонларинг қўллагин.*
*Полвонларинг қўлла дунё, қўлла-ей,*
*Илоҳий куч, қудратингдан йўлла-ей.*

*Ботир қалбга тушмасин ҳеч ғулғула,*
*Вужудини қамрамасин зилзила.*
*Ғам кўрмасин умр тила, бахт тила,*
*Эй, дунё мард полвонларинг қўллагин.*
*Полвонларинг қўлла дунё, қўлла-ей,*
*Илоҳий куч, қудратингдан йўлла-ей.*

**Қамбар ОТА**

# ҒОЛИБЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Шу кунларда Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида 16 ва 18 ёшгача бўлган шоҳмотчилар ўртасида Осиё биринчилиги баҳслари бўлиб ўтмоқда. Унда қитъамизнинг Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон сингари ўнга яқин давлатлари ёш шоҳмот усталари ғолиблик учун кураш олиб боришаяпти.

Швейцарча тизимда ташкил қилинаётган биринчиликнинг ўсмирлар учрашувларида Раҳматжон Раҳимов, Хуршид Мустафоев, Иззатилла Султонов, Жаҳонгир Воҳидов каби умидли ёшларимиз дона сураётган бўлса, қизлар баҳсида Гулрухсор Эсонбоева, Мафтуна Орзиқулова, Сарвиноз Қурбонбоева, Ирода Ибрагимовалар муносиб иштирок этишмоқда.

18 ёшгача бўлган шоҳмотчилар мусобақасида мураббийлар Андрей Квон, Александр Касян, Мирзаолим Авлиёқулов, Юлдуз Ҳамроқулова, Ирина Геворгян, Нодира Нодиржонова сингари бир қатор иқтидорли ёшларга ишонч билдиришган.

Ғолиб ва совриндорлар номи бугун маълум бўлади.

# 88 ҚАВАТЛИ ҚЎШМИНОРА

Бугунги кунда Малайзиянинг бетакрор тимсолига айланган дунёдаги энг баланд бинолардан бири — «Петронас» иккита эгизак минораси ҳисобланади. 1998 йили бунёд этилган 88 қаватдан иборат бу қўшминоранинг баландлиги салкам 452 метрга тенг. У жойлашган умумий майдон 48 гектарни ташкил қилади. «Петронас» деб аталувчи миллий нефть корпорацияси бу бино қурилиши учун 800 миллион доллар ажратган эди ва шунинг учун ҳам ушбу осмонўпар меъморий мажмуага «Петронас» номи берилган.

Куала-Лумпур шаҳрининг кўркига кўрк қўшиб турган жуфт миноранинг ўттиз икки мингта деразаси бор. Ҳар бир бинога 29 тадан, жами 58 та тезюрар лифт ўрнатилган. Шуниси ҳайратланарлики, эгиз миноралар қирқ биринчи ва қирқ иккинчи қаватлар оралиғида бир-бири билан учрашади. Уларни 170 метр баландликдаги ва 58 метр узунликдаги кўприк бирлаштириб туради. Кўприкни бир кунда 1,5 мингтагача одам бориб кўриши мумкин. Ва айнан мана шу кўприкдан туриб Куала-Лумпур шаҳрини бемалол кузатиш мумкин. Бундай юксакликдан пастга назар ташлаш қайси сайёҳнинг кўнглини тоғдек кўтармайди, дейсиз!?

Минора, албатта, йирик бизнес маркази сифатида ҳам хизмат қилади. Унда кўплаб офислар, дўконлар, кўргазма ва конференция заллари, галереялар, ошхона-ю кўнгилочар масканлар ўрин олган.

Эгизак миноралар 2003 йилгача дунёдаги энг баланд бино ҳисобланар эди. Бироқ ҳозирги кунда Хитойнинг Тайпей шаҳрида қуриб битказилган 508 метрлик осмонўпар «Тайпэй Молия маркази» жаҳонда биринчиликни эгаллаб турибди. Лекин мутахассисларнинг айтишича, бу ҳам сўнгги юксаклик эмас. Яқин орада араб мамлакатларидан бирида қурилаётган бино буларнинг ҳаммасини ортда қолдириб кетиши кутилмоқда.

## Газетамизнинг 23 июнь сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар

*«Ҳамма ўтириб олсин!»*
Саиджамол ХОЛХЎЖАЕВ.

✧✧✧

*«Мавсум бошланди»*
М.ҚОДИРОВА,
Тошкент

✧✧✧

*«П-ў-ш-т! Арава келаяпти!»*
Элмурод ЎСАРОВ,
Самарқанд вилояти,
Нуробод шаҳри.

✧✧✧

*«Кеп қолинг, сомон арзон бўп кетди».*
Д.КАМОЛОВА,
Қувасой шаҳри.

## Қандай изоҳлайсиз?



Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ, Қувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8578 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.20
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda